

№ 02/21-12-2
07.02.2017 й.

“ТАСДИКЛАЙМАН”
Ўзбекистон Республикаси
Бош вазирининг ўринбосари



Р.Азимов

2017 йил “ 07 ” “ февраль ”

“Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш” мавзусида телевиденида ва бошқа оммавий ахборот воситаларида видеороликлар чиқариш ва мақолалар чоп этиш, аҳолини шахсий бизнес қилиш борасидаги саводхонлигини ошириш юзасидан
КОМПЛЕКС ЧОРА-ТАДБИРЛАР РЕЖАСИ

Т/р	Чора-тадбирнинг мазмуни	Ижро мuddати	Масъул ижрочилар
1.	Тадбиркор сифатида ўз ишини йўлга қўйиш асосий жараёнлари: - ягона дарча марказида кўрсатилаётган давлат хизматлари ва тадбиркорлик субъекти сифатида давлат рўйхатидан ўтиш; - солиқ тўловчи сифатида рўйхатга олинishi ва СТИР (ИНН) берилиши; - ер ажратиш, бўш турган бино ва иншоатларни сотиб олиш ёки ижара асосида фойдаланиш; - сув, газ ва электр энергияси таъминоти тармоқларига уланиш масалалари; - тижорат банк филиалларида ҳисоб рақам очишига ва зарур кредит маблағлари олиш; - бизнес режалар тайёрлаш, мини технологиялар етказиб бериш ва хом-ашё ресурсларини олиш манбаларини аниқлаш ҳамда тажрибали тадбиркорлар билан учрашувлар ташкил қилиш; - лизинг операциялари; - солиқ ва божхона имтиёзлари, айниқса колледж битирувчилари бандлиги бўйича берилган имтиёзлар юзасидан содда ва тушунарли видеороликлар тайёрлаш.	2017 йил февраль	Адлия вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, Марказий банк, Давлат солиқ қўмитаси, Меҳнат вазирлиги
2.	Солиқ органлари томонидан жисмоний шахсларга бериладиган СТИР рақамларининг берилиши ва АТ Халқ банкида жамғариб бориладиган шахсий пенсия дафтарчасини очиш жарёнлари, ишга кираётган битирувчилар учун синов муддатларининг белгиланмаслиги, ишловчи ходим сифатида иш ҳаққини ҳисоблаш, солиқ мажбуриятлари, меҳнат таътилининг миқдорлари ва меҳнатга оид ҳуқуқларни ҳимоя қилишга доир комплекс саволларга тушунтириш бериш имконини берувчи видеороликлар тайёрлаш.	2017 йил февраль	Халқ банки, Давлат солиқ қўмитаси, Меҳнат вазирлиги

Т/р	Чора-тадбирнинг мазмуни	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
3.	<p>Тижорат банкларига бириктирилган битирувчилар томонидан ишлаб чиқилган бизнес-лойиҳа ва ТИАларни ҳимоясини ташкил этиш ва уларга микрокредитлар олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар бериш; ҳар бир битирувчига алоҳида ИНПС рақами бериш ва Халқ банкида жамғариб бориладиган шахсий пенсия дафтарчасини очиш, солиқ органларида жисмоний шахсларга бериладиган СТИР расмийлаштириш кўрсатилган кенг оммага мўлжалланган видеороликлар тайёрлаш.</p>	2017 йил февраль	Савдо-саноат палатаси, Давлат солиқ қўмитаси, Меҳнат вазирлиги
4.	<p>www.ziyouet.uz ва бошқа интернет порталида «ЎЗ БИЗНЕСИНГНИ ЯРАТ» руқунини жойлаштириш:</p> <p>банклар томонидан илгари маъқулланган ва молиялаштирилган намунавий кўринишдаги бизнес-лойиҳалар, ТИА (техник иқтисодий асослар) билан биргаликда (масалан, тикув цехи, гўзаллик салони, автосервис шоҳобчаси, сартарошхона, нонвойхона, иссиқхона, уй паррандаларини етиштириш, мебель, қурилиш материаллари, уй шароитида қандолатчилик ва озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва ҳ.к.);</p> <p>бизнес-лойиҳа ва ТИАларни тайёрлаш учун даромад ва харажатлар структурасини шакллантирувчи, айланма маблағлар ҳаракатини, зарурий молиявий коэффицентларни ҳисобловчи электрон дастурлар;</p> <p>ўз ишини ташкил этиш бўйича турли қўлланмалар, бизнесни юритиш учун қулай ва тушунрالي шаклдаги барча зарурий маълумотлар (жадвал, инфографика, аниқ мисоллар ва ҳ.к. кўринишида);</p> <p>бизнесда муваффақиятларга эришган коллеж ва лицейлар битирувчиларининг тарихи (яъни Success Story).</p>	2017 йил февраль	Савдо-саноат палатаси, Марказий банк, Меҳнат вазирлиги, Ўрта махсус касб-ҳунар таълими маркази
5.	<p>Ёшларнинг ўз ишини ташкил этишга қизиқишини ошириш мақсадида Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси эфирида аниқ шароитларда ўз ишини ташкил этган бир нафар бола ва бир нафар қиз мисолида реалити-шоу тарзида махсус телекўрсатув тайёрлаш.</p> <p>Ушбу реалити-шоуда аниқ мисолларда битирувчида ўз бизнес-фикрини ишлаб чиқиш, бизнесини очиш учун жой танлаш, бизнес-режа ва ТИАни тайёрлаш, ҳужжатларни расмийлаштириш (тадбиркор гувоҳномаси, таъсис шартномаси, устав), бизнесни очишни молиялаштириш учун манбаларни аниқлаш, тижорат банкларида кредит олиш, усқунани танлаш, кадастр ҳужжатларини расмийлаштириш, электр энергияси, газ, сув таъминоти, канализация, маркетинг, реклама ва маҳсулотни (хизматни) сотиш ва бошқа масалалар бўйича жараёнларни очиб бериш.</p>	2017 йил февраль	Савдо-саноат палатаси, Марказий банк, Меҳнат вазирлиги
6.	Меҳнат бозорида у ёки бу касбни танлашнинг афзалликлари, тарихини ва ушбу	2017 йил	Ўрта махсус касб-ҳунар

Т/р	Чора-тадбирнинг мазмуни	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
	касбларнинг моҳир усталари билан уларнинг маҳорати даражаси ва касб йўналишида эришган ютуқлари юзасидан суҳбатни сўзлаб берувчи энг кўп талаб этилган касблар (биринчи навбатда, ишчи касблар) тўғрисида қисқа метражли фильмлар яратиш ва уларни коллежлар ва лицейларда намойиш этиш	февраль	таълими маркази, Меҳнат вазирлиги, Касаба уюшмалари Федерацияси, Савдо-саноат палатаси, Марказий банк, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
7.	Муваффақиятли фаолият юритаётган тадбиркорларнинг коллеж ва лицейлар битирувчилари томонидан таклиф этилаётган бизнес-ғоя ва лойиҳалар танловида иштирок этишлари ва муваффақиятли лойиҳаларни амалга оширишда кафиллик ва кафолат бериш, банк кредитлари учун ўз мулкани гаров сифатида қўйиш, ёш тадбиркорлар бизнесини ривожлантиришда уларга бошқа ёрдам ва кўмакни амалга ошириши бўйича суҳбатлар ўтказиш.	2017 йил февраль	Савдо-саноат палатаси, “Камолот” ЁИХ, Марказий банк, Меҳнат вазирлиги
8.	Ёшларни ишга жойлаштиришда иш берувчилар, коллеж ва лицейлар битирувчилари ўртасида реклама қилиш орқали mehnat.uz сайти имкониятларидан самарали фойдаланиш: бўш иш ўринлари (вакант лавозимлар) ва ишдан бўшатишган ишчилар (йирик корхоналар – мажбурий равишда, кичик корхоналар ва микрофирмалар – ихтиёрий равишда) тўғрисида маълумотларни меҳнат бўлимларига топширишга мажбур. Корхоналар ва ташкилотлар реестрини солиқ органлари билан ҳамкорликда аниқлаш; йирик шаҳарларда 10 тадан, туманларда камида 5 тадан баннерлар тайёрлаш ва жойлаштириш; маҳаллий телеканаллар эфирида www.mehnat.uz сайти имкониятлари тўғрисида бепул видеороликлар жойлаштириш.	2017 йил февраль	Меҳнат вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, Марказий банк, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
9.	Меҳнат вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган методика асосида иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш кўшимча дастурларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш бўйича видеороликлар тайёрлаш ва номойиш этиш. Унга кўра, қуйидагилар кўзда тутилган:	2017 йил март	Меҳнат вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, Марказий банк, Қорақалпоғистон

Т/р	Чора-тадбирнинг мазмуни	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
	<p>кичик саноат зоналарини ташкил этиш; хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш; чорвачилик, паррандачилик ва иссиқхона хўжалиklarини ташкил этиш; “ноль” қийматда бериш учун давлат мулки объектларини аниқлаш ва инвестиция киритиш мажбурияти билан тадбиркорларга бериш; енгил конструкция асосида бизнес объектлари қурилиши учун ер майдонлари берилиши; янги экотуризм объектларини барпо этиш; йирик корхона ва хўжалик бошқаруви органлари иштирокида янги ишлаб чиқариш лойиҳаларини ишлаб чиқиш; худудларни муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини ривожлантириш; коллеж битирувчилари ўртасида ўз тадбиркорлик фаолиятини бошлашни хоҳловчиларни аниқлаш ва уларга микрокредитлар бериш ва бошқалар.</p>		<p>Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари</p>
10	<p>Томорқа хўжалиklarидан самарали фойдаланиш бўйича амалга оширилаётган ишлар ва ижобий тажрибаларни намойиш этувчи видеолар ва мақолалар тайёрлаш.</p>	2017 йил давомида	<p>Меҳнат вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, “Ўзбекиқовқатхолдинг” компанияси, Савдо-саноат палатаси, Марказий банк</p>
11.	<p>Оммавий ахборот воситаларида ва интернет сайтларида аҳолини шахсий бизнес қилиш борасидаги саводхонлигини ошириш юзасидан кўрсатувлар тайёрлаш, мақоллар чоп этиб бориш тавсия этилсин.</p>	2017 йил давомида	<p>Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзгелерадиокомпания, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари</p>

Т/р	Чора-тадбирнинг мазмуни	Ижро мuddати	Масъул ижрочилар
12.	Тижорат банклари томонидан аҳолини тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиш, янги иш ўринларини ташкил этиш учун кичик бизнес субъектлари ва жисмоний шахсларга имтиёзли кредитлар бўйича янгиликлар, имтиёз ва енгилликлар ажратиладиган кредит ресурслари, мuddатлари тўғрисида батафсил маълумот берувчи тижорат банклари кесимида ижтимоий рекламалар туркумини тайёрлаш республика ва маҳаллий телевиденияда намоиш этиб бориш.	2017 йил давомида	Марказий банк, Ўзтелерадиокомпания, Савдо-саноат палатаси


 Ўзбекистон Республикаси
 Давлат Солиқ кўмитаси
 «___» _____ 2017 йил

Ўзбекистон Республикаси
 Марказий банки
 «___» _____ 2017 йил


 Ўзбекистон
 Савдо-саноат палатаси
 «___» _____ 2017 йил

Ўзбекистон
 Миллий телерадиокомпанияси
 «___» _____ 2017 йил

Ўзбекистон Республикаси
 Меҳнат вазирлиги
 «___» _____ 2017 йил

Ўрта махсус касб-хунар
 таълими маркази
 «___» _____ 2017 йил